

“ПРЕЦЕДЕНТ” ТЕРМИНИ ВА УНИНГ ТУРЛИ ЛУҒАТЛАРДАГИ ИЗОҲИ

Бахтиёр Туланович ЖАЛИЛОВ

Катта ўқитувчи

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

ТЕРМИН «ПРЕЦЕДЕНТ» И ЕГО ОПИСАНИЕ В РАЗЛИЧНЫХ СЛОВАРЯХ

Бахтиёр Туланович ЖАЛИЛОВ

Кафедра английского языка и литературы

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

THE TERM “PRECEDENCE” AND ITS DEFINITION IN DIFFERENT DICTIONARIES

Bakhtiyor Tulanovich JALILOV

Senior teacher

Department of English Literature

Andizhan State University

Andizhan, Uzbekistan b.jalilov1976@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 413.238

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Жалилов Б. Т. “Прецедент” термини ва унинг турли луғатлардаги изоҳи //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — С. 31-40.

<https://doi.org/10.36078/1624432160>

Received: May 17, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақола “Прецедент” термини ва унинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинган изоҳли, энциклопедик, этимологик, синонимик, антонимик, омонимик, икки ва кўп тилли луғатлардаги таърифнинг ҳамда прецедент матн, прецедент ном, прецедент айтим ва прецедент вазият каби прецедент феноменларга олимлар томонидан берилган таърифлар таҳлиliga бағишланган. Таъкидлаш лозимки, замонавий ўзбек тилшунослигида сўнги вақтларда прецедент феномен ҳамда унинг турларини тил ва маданият нуктаи назаридан тадқиқ қилишга бағишланган ишлар кўлами ортди. Бироқ улар орасида прецедент матн, прецедент ном, прецедент айтим ва прецедент вазият каби прецедент феноменларнинг ўзбек тилшунослиги билан қиёсий таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу сабабли, ушбу мақолада юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишнинг куйидаги усуллари келтирилган. Биринчидан, тадқиқотнинг назарий қисмида “Прецедент” термини ва унинг турли луғатлардаги изоҳи ва унинг мавжуд турлари ҳақида маълумотлар берилган. Иккинчидан, “Прецедент” термини доирасида прецедент матн, прецедент ном, прецедент айтим ва прецедент вазият каби прецедент феноменларнинг таърифи ва уларнинг таркибий қисмлари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Хулоса қисмида эса барча прецедент феноменлар тез-тез тил шахсияти дискурсида фойдаланилиши ва амалга оширилишига оид илмий-назарий умумлашмалар келтирилади. Олинган натижалар эса “Прецедент” термини ва унинг турли луғатлардаги таърифини, шунингдек, тил ва маданият бўйича мавжуд билимларни бойитишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: прецедент; прецедент матн; прецедент ном; прецедент айтим; прецедент вазият; прецедент феномен; цитата; квазицитация.

Аннотация. Статья посвящена анализу термина *прецедент* и его определению в толковых, энциклопедических, этимологических, синонимических, антонимических, синонимических словарях, дву- и многоязычных словарях, изданных на узбекском, русском и английском языках, а также определения феномена прецедентный текст, прецедентное имя, прецедентное выражение и прецедентная ситуация, данному учёными этому феномену. Следует отметить, что в последнее время в современной лингвистике увеличилось количество исследований, посвященных изучению этого явления с точки зрения языка и культуры. Однако среди них отсутствуют работы по сопоставительному изучению таких феноменов исследования как *прецедентный текст*, *прецедентное имя*, *прецедентное выражение* и *прецедентная ситуация*. Следуя из этого, в данной статье указывается на пути решения вышеупомянутых проблем. Во-первых, в теоретической части исследования изложены имеющиеся в словарях данные об определении термина *прецедент* и его видах. Во-вторых, в рамках термина *прецедент* даётся описание прецедентных феноменов *прецедентный текст*, *прецедентное имя*, *прецедентное выражение*, *прецедентная ситуация* и их составляющих. В заключении статьи сделаны общие выводы о том, что прецедентные феномены часто используются в дискурсе языковой личности. Полученные результаты послужат дополнению соответствующих статей в словарях, а также с точки зрения языка и культуры обогащению имеющихся научных данных.

Ключевые слова: прецедент; прецедентный текст; прецедентное имя; прецедентное выражение и прецедентная ситуация; культура; язык; описание; феномен.

Abstract. This article is devoted to the analysis of the term “Precedent” and its definition in explanatory, encyclopedic, etymological, synonymic, antonymic, dictionaries, also bilingual and multilingual dictionaries published in Uzbek, Russian and English, as well as the definition given by scientists to the phonemon of precedent, as the precedent text, the precedent name, precedent expression and precedent situation. It should be noted that recently in modern linguistics the number of studies devoted to the study of this phenomenon in terms of language and culture has increased. However, among them there is no work on a comparative study of such research phenomena as the precedent text, the precedent name, precedent expression and precedent situation. Following from this, this article tries to give the solution to the above mentioned problems. Firstly, in the theoretical part one can find the definition of the term “Precedent” and its types in different dictionaries. Secondly, round the term “Precedent” description precedent phenomena of the precedent text, the precedent name, precedent expression and precedent situation also their components. In conclusion, the article draws general conclusions that precedent phenomena are often used in the discourse of a linguistic personality. The results obtained will complement the relevant articles in dictionaries, as well as enrich existing scientific data from the point of language and culture.

Keywords: the precedent text; the precedent name; precedent expression and precedent situation; culture; language; definition; phenomena.

Кириш. Дунё тиллари луғат таркиби ўзлашма сўз туфайли бойиб, кенгайиб боради. Ўзбек тилига кириб келган шундай ўзлаштира сўзлардан бири “прецедент” сўзидир.

Изланишларимиз натижасида “прецедент” терминининг ўзбек тилшунослигида нашр қилинган изоҳли, энциклопедик, этимологик, икки ва ундан кўп тилли луғатларда, шунингдек, синоним, антоним, омоним, луғатларида қуйидагича изоҳ ва таърифларини кўришимиз мумкин.

1984 йилда нашр қилинган икки томли “Русча-ўзбекча луғат”нинг иккинчи томида “прецедент” терминига қуйидагича таъриф берилган:

“ПРЕЦЕДЕНТ м. книж. (ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга намуна, ўрнак бўла оладиган воқеа, ҳодиса): ўхшаш, тенг. случай, не имеющий ~а прецеденти (ўхшаши, тенги) бўлмаган ҳодиса; установить~ прецедентни белгиламоқ (ўтмишда худди шундай воқеа ёки ҳодиса бўлганини аниқламоқ); судебный ~ юр. суд прецеденти”(10, 195).

А. Мадвалиев ҳаммуаллифлигида 2013 йилда кирилл ва лотин алифболарида нашр қилинган “Ўзбек тилининг имло луғати”да ҳам “прецедент” сўзи киритилган.

Ж. Бўронов, Ш. Бўтаев, М. Ирискулов, К. Раҳмонбердиевлар томонидан 2001 йилда нашр қилинган “English-Uzbek Dictionary” номли икки тилли луғатда:

[precedent n – прецедент, воқеа, ҳодиса]; (1, 466).

Ғ. Сатимов томонидан 1999 йилда Тошкентда нашр қилинган уч тилли “English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms” номли луғатида:

[precedent n – прецедент, предшествующий – аввал бўлиб ўтган, содир этилган]; (11, 208)

Т. К. Саттаров, И. А. Имомовлар ҳаммуаллифлигида 2014 йилда “English-Russian-Uzbek Comprehensive Law Dictionary” номли уч тилдаги луғатида:

[precedent – 1. прецедент, 2. предварительный; предшествующий – 1. прецедент, 2. дастлабки, олдинги] (12, 552) таржималари мавжуд.

Аммо изланишларимиз натижасида ўзбек тилининг ҳозирга қадар нашр қилинган этимологик луғатларида ҳамда Э. М. Маъруфов таҳрири остида 1981 йилда нашр қилинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Э. Бегматов ва бошқалар ҳаммуаллифлигида 2007 йилда нашр қилинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” номли луғатларида, шунингдек, Т. Умаров масъул муҳаррирлигида 1990 йилда нашр қилинган “Энциклопедик луғат”да “прецедент” сўзининг киритилмагани ва изоҳ келтирилмаганини таъкидлаш мумкин.

Бунинг сабаби эса “прецедент” термини ўзбек тилига рус тили орқали юриспруденция термини сифатида кириб келган. Яъни фақатгина муайян доирадаги шахслар истеъмолидаги термин сифатида ишлатилган.

Асосий қисм. “Прецедент” термини ўтган асрнинг иккинчи ярмида рус тилшуноси Ю. Н. Караулов томонидан тилшуносликка киритилган. Унинг 1986 йил рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг VI Халқаро конгрессида қилган “Роль прецедентных текстов в структуре функционирования в языковой личности” номли маърузасида ушбу термин илк бор тилшунослик нуқтаи назаридан қўлланилди. Кейинчалик Ю. Н. Караулов ўзининг “Русский язык и языковая личность” номли

асарида “прецедент” терминининг назарий томонларини кенгайтириб ифода этди.

Шундан сўнг прецедент терминининг атрибутларини ўзида намоён қилган бошқа турлари: прецедент ном, прецедент айтим, прецедент бирлик, прецедент вазият, прецедент феномен, прецедент концепт ва ҳ.к. каби турлари тилшуносликнинг турли соҳаларида ўз ифодасини топди.

Бу шуни англатадики, бир қанча тилшунос олимлар Ю. Н. Караулов томонидан таклиф этилган ушбу назарияни давом эттириб, “прецедент” тушунчаси ва у билан боғлиқ бошқа мазмун қирраларини очишга ҳаракат қилдилар.

Хусусан, Д. Б. Гудков, В. В. Красных, Н. А. Голубева, И. В. Захаренко, Г. Г. Слышкина, Г. Ф. Ковалев, Е. А. Нахимова ва бошқалар илмий тадқиқотлари натижасида “прецедент” терминининг назарий ва амалий моҳиятини кенгайтирган ҳолда очиб бердилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзлар бошқа тилларга воситачи тил орқали кириб келади. Хусусан, “прецедент” термини ҳам дастлаб рус тилига бошқа Европа тилларидан, айнан инглиз ва француз тилларидан кириб келган. Ушбу термин Ўрта асрларда инглиз тилига, француз тилидан, ўз навбатида, француз тилига эса латин тилидаги *praecedent*, *praecedns*, *pracedere* шаклида кириб келган.

“Прецедент” терминининг этимологияси ва семантикасини ўрганиш жараёнида инглиз тилида нашр қилинган бир қанча изоҳли луғатларда “прецедент” терминига қуйидагича берилган изоҳларни топдик:

2006 йилда нашрдан чиққан “Macmillan English Dictionary for advanced learners” луғатида қуйидагича изоҳ берилган:

1. [C/U] an action or event in the past that is used as an example or reason for present action or event: + for. There are good precedents for this sort of cooperation between organizations. *set/ establish / create a precedent. Arab states condemned the plan, regarding it as setting a dangerous precedent. *without precedent. This is disturbing news and totally without precedent.

2. [C] legal a decision by a court on which future decisions are based: It would not be right for this case to be treated as a precedent. 2a. [U] the practice of basing legal decisions on decisions in previous cases: The English legal system is a composite of legislation and judicial precedent (16, 1106);

“The Merriam-Webster Dictionary” изоҳли луғатининг янги нашрида:

[precedent – Something said or done that may serve to authorize or justify further words or actions of the same or a similar kind.] (19, 388) дея изоҳ берилган.

“Merriam-Webster Dictionary” электрон қурилмалар учун мўлжалланган изоҳли луғатида эса қуйидагича таъриф берилган:

[precedent n. – a similar action or event that happened at an earlier time;

— something done or said that can be used as an example or rule to be followed in the future;

— the usual or traditional way of doing something.

Full definition:

1: an earlier occurrence of something similar;

2 a: something done or said that may serve as an example or rule to authorize or justify a subsequent act of the same or an analogous kind < a verdict that had no precedent>

b: the convention established by such a precedent or by long practice;

3: a person or thing that serves as a model] (17).

Катерин Соанс (Catherine Soanes) ҳамда Сара Ноукер (Sara Nawker) ва Жулиа Эллиотт (Julia Elliott) таҳрири остида нашрдан чиққан “Oxford Dictionary of Current English” номли изоҳли луғатида “прецедент” терминига:

[precedent – an earlier event, action, or legal case that is taken as an example to be followed in a similiar situation] (18, 706) деб келтирилган изоҳни кўришимиз мумкин.

2001 йилда Кембридж университети томонидан яратилган “Cambridge Advanced Learner’s Dictionary” изоҳли электрон луғатида “прецедент” терминига:

[precedent – 1[C] an action, situation or decision which has already happened and which can be used as a reason why a similar action or decision should be performed or taken: There are several precedents for promoting people who don’t have formal qualifications. Some politicians fear that agreeing to the concession would set a dangerous precedent] (15) деб изоҳ берилган.

Демак, “прецедент” тушунчасига юқорида келтирилган таърифлар асосида айтиш мумкинки, “прецедент” — “эталонлик”, “императивлик” ва “нуфузлик” каби белгилар хос бўлган “қандайдир факт”дир.

Д. Б. Гудковнинг фикрига кўра, ушбу таърифдаги прецедентлар сирасига “ўхшаш фактларни худди ўзидай қилиб қайтариш учун қолип (модел) бўлиб хизмат қиладиган, нутқда муайян вербал сигналлар билан ифодаланган, қайтадан яратилмайдиган, аммо такроран ишлаб чиқиладиган стандарт мазмунни фаоллаштирувчи намунавий фактлар” (2, 152) киради.

Яъни прецедентларнинг барчаси фақат вербал ҳодисалар билан чегараланади, новербал ҳодисалар (тасвирий санъат, музыка, архитектура ва ҳоказо) ўрганиш доирасидан ташқарисида қолади. Бошқа томондан қаралганда, ушбу таъриф жуда кенг кўламни ўз ичига олади. Унинг мезонлари доирасига клише ва штамп (андоза), стереотиплар, фрейм структуралар, сценарий, режа ва бошқалар каби тил бирликлари ҳам мос келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ю. Н. Караулов таклиф қилган “прецедент матн” доирасида В. В. Красных, Д. Б. Гудков ва бошқалар томонидан “прецедент феномен” терминлар жамламаси таклиф этилди.

“Феномен” — [юн. *phainomena* – туюладиган, кўринадиган нарса] 1. фас. Ҳис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча. 2. Ғайриоддий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс (14, 339).

Прецедент феномен — барча учун яхши таниш бўлган, унинг мавжудлиги ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлган ҳодиса жамламаси (8, 169).

Прецедент феноменларнинг асосий белгилари

- миллий-лингвомаданий жамиятнинг барча вакилларига яхши таниш;
- когнитив (билиш ва ҳис қилиш) планида долзарб (прецедент феноменлар ортида ҳар доим у ёки бу миллий-маданий менталитет вакиллари учун мажбурий ва умумий тасаввур туради);
- у ёки бу миллий-лингвомаданий жамият вакиллари нутқда прецедент феноменларга апелляция такрорланиб, қайталаниб туради;
- прецедент феноменлар ҳар доим нуткий ифода шаклида бўлиши шарт эмас.

Олиб борилган турли илмий тадқиқотлар натижасида олимлар прецедент феноменларнинг қуйидаги асосий тўрт турини тадқиқот марказига қўймоқдалар:

1. Прецедент матн (Прецедентный текст).
2. Прецедент айтим (Прецедентное высказывание).
3. Прецедент ном (Прецедентное имя).
4. Прецедент вазият (Прецедентная ситуация).

Матнларга нисбатан прецедент (“прецедент матн” — прецедентный текст) термини биринчи бўлиб, Ю. Н. Караулов томонидан ишлатилди. У ушбу феноменларни, “1) у ёки бу шахс учун билишга оид ва эмоционал муносабатларида аҳамиятга эга; 2) ўта шахсий характерга эга, атрофидаги кўпчиликлари — ҳатто ўтмишдошлари ва замондошларига ҳам яхши таниш бўлган шахс; 3) ушбу тил шахсиятларига дискурсида бир неча маротаба қайта такрорланадиган мурожаат” матни деб таърифлаган (5, 216).

Ю. Н. Карауловнинг фикрига кўра, прецедент матнлар “хрестоматик” бўлади, ушбу тилда гапирувчи ҳар бир шахс, уни ўқиб чиқиб ёки “бировлардан эшитиб” унинг мазмунини тушуниб етади. Шу билан бирга, прецедент матнларни билиш шахсни замонавий маданиятнинг ҳаракат доирасига жалб этилганлигини кўрсатади. Билмаслик, ўз навбатида, индивиднинг ҳолати ушбу тарихий даврдан ва унинг маданиятидан ташқарида ёки унга етарлича жалб қилинмаганлигининг белгиси бўлиб ҳисобланади. Прецедент матнларнинг ҳаммага маълумлигининг асосий сабаби уларни “қайта талқин қилиш” бўлиб хизмат қилади, устувор вербал усулидан новербал (балет, рассомлик саъати, скульптура) борлиққа ёки ҳар қандай бошқа вербал санъат турига (опера, спектакль, шеърят) ўтишига хизмат қилади, бунинг устига, ушбу ҳолатда, прецедент матн маданиятга кўпроқ жалб қилинган бўлиб қолади ва келажак авлод вакилларида қайта интерпретация қилинади. У ёки бу маданиятларда прецедент матнлар тўлаи миллий адабий асарларни, дунё классикасини, фольклорни ташкил этади (5, 216–217).

“Ўзида тайёр интеллектуал-эмоционал стереотиплар блоки, намуналар, қиёслаш учун критерияларни ифодалаган ҳолда, прецедент матнлар, тил шахсиятини “фактологик” фикрнинг контекстидаги “ментал”га ўтишини, баъзан эса аксини, амалга оширишни енгиллаштирувчи ва тезлаштирувчи фикрдан инструмент сифатида фойдаланилади” (5, 220).

Ушбу муаллиф томонидан прецедент матнларнинг қуйидаги мавжудлик схемаси таклиф қилинган:

1. Табиий (дастлабки), унда матн “идрок қилиш, тушуниш, ҳавотир олиш, рефлексия”нинг тўғридан-тўғри объекти бўлиб ҳисобланади.
2. Иккиламчи, унда матнни санъатнинг бошқа бир турига ўтиш амалга оширилади ва дастлабки матнга нисбатан идрок қилиш ёки иккиламчи рефлексия таклиф қилинади.
3. Семиотик, унда ифода қилинаётган барча матннинг актуализацияси имо-ишора, ҳавола, белгилар орқали амалга оширилади, бунинг устига, яхлит матн ёки унинг қисми “белгининг яхлит бирлиги” ҳисобланади.

Мавжудликнинг табиий ва иккиламчи воситалари барча матнлар учун умумий хусусият сифатида характерланаса, семиотик матн эса фақат прецедент матнга оиддир (5, 217).

Ю. Н. Караулов томонидан эътироф этилган таърифни таҳлил қилиб, Г. Г. Слышкин лингвокультурологик жамият аъзолари сони чекловини олиб ташлашни таклиф қилади, жамият аъзолари учун матн прецедент ҳисобланади, буни эса бутунлай тўғри деб бўлмайди. Бошқа томондан қараганда, матн муайян қисқа вақт учун прецедент бўлиши мумкин, бироқ ушбу матнлар ўзларининг “прецедентлик” чўққисида нутқда кенг қўлланилади ва муҳим аҳамият касб этади, ушбу тушунчанинг тўлиқ маъносида прецедент бўла олади. Юқорида зикр этилганлардан келиб чиққан ҳолда, Г. Г. Слышкин микрогуруҳ, макрогуруҳ, миллий, маданий ва умумбашарий прецедент матнларини ажаратади (13, 128).

Е. А. Земскаянинг фикрига кўра, матнлар прецедент мақомни олиш учун дискурсга ҳеч қандай ўзгариш киритилмаган ҳолда, “цитата” кўринишида ёки трансформацион “квазицитация” кўринишида киритилиши керак. Улар лингвокультурологик жамият аъзоларига таниш ва уларга мунтазам равишда мурожаат қилинади (4, 157).

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, прецедент матнлар кўп, улар таркибига шеър ва шеърӣй цитаталар, бадий ва мусикавий асарлар номлари, кинофильм ва ашулалардаги иборалар, реклама шиорлари ва слоганлари, латифа ва Қуръон оятлари ва бошқалар қиради.

Прецедент матн тушунчаси ортидан одатӣй тарзда прецедент айтим тушунчаси пайдо бўлади.

В. Г. Костомаров ва Н. Д. Бурвиковалар прецедент айтимлар ўзида бутун матн прецедентлигини жамлайди, деб ҳисоблайдилар. Ушбу муаллифлар мустаҳкам позицияда бўлган ҳолда, дастлабки матннинг фрагменти бош ёки сўнг гап бўлган ҳолда, ушбу прецедент матнни прецедент айтимга “айлантириш” жараёни матний редукция, яъни матндаги қисқартириш деб атайдилар. Матндаги “мустаҳкам позиция” прецедентликни олиш учун зарур ва етарли асос бўлиб хизмат қилмайди, сабаби фикр универсал характерни ҳамда умумий ҳақиқатни афористик шаклда ифода этиши керак (7, 74).

Прецедент айтим (Прецедентное высказывание) — нуткий тафаккур фаолиятининг қайта мурожаат қилинадиган маҳсулоти; предикатив бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган, тугалланган мустақил бирлик; компонентлари мазмунларининг миқдори маъносига мос келмайдиган мураккаб белги; маъноси ҳар доим мазмун миқдоридан кўра “кенгроқ”, унинг когнитив базасига прецедент айтим фикр, мулоҳаза сифатида ўзи қиради. Прецедент айтимлар таркибига турли характердаги текстлардаги цитата (иктибос)лар, афоризмлар, мақоллар ва маталлар қиради (9, 48).

Масалан:

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма (мақол).

Ўзбекистон келажаги буюк давлат (шиор).

Шундай яшамоқ керакки, токи ҳаётда чексиз талаблар қўйиш мумкин бўлсин (20).

Кейинроқ, “прагморелекс” (Прохоров 1996), “прецедент ном” (Гудков 1999), “прецедент феномен” ва “прецедент вазият” (Красных 1998) тушунчалари кашф қилинди. Бироқ “прецедентлик” терминининг кенг ишлатилишига қарамасдан, унинг асл моҳияти ҳали тўла ўрганилмаган ва чуқур англаб етилмаган. Д. Б. Гудков ва К. Касьянованинг шахсининг ижтимоӣй архетиплари ҳақидаги фикрига таянган ҳолда, прецедентлик тушунчасига аниқлик киритади. Ижтимоӣй архетиплар этник характернинг негизда, у ёки бу маданият эгалари онгида ётгани сабабли, новербал, норефлексив характерга эга, “сезги ёки

эмоциянинг (“сентиментлар”) интенсив жиловланган ўзаро уйғун ҳодисалар билан ассоциацияланади, бу эса ўз навбатида, индивид томонидан “озми-кўпми ўзига хос ҳаракатга” олиб келади (6, 123). “Маданий предметлар” мажмуаси тил онги ва хусусиятини миллий ўзига хослигини ифода этади, бу эса, Д. Б. Гудковнинг фикрига кўра, прецедентларга бўлган талабларга тўла мос келади. У яна шунга урғу берадики, лингвокультурологик жамиятнинг асосий мўлжали прецедентларнинг, яъни умуман жамиятнинг мўлжалига таъсир кўрсатувчи системасининг тўлдирилиши ва уларнинг бир-бирига нисбатан ўрнини белгилайди (2, 102).

Прецедент ном (Прецедентное имя) — кенг жамоатчилик учун яхши таниш атоқли отлар бўлиб, улар матнда конкрет бир шахсни (вазият, шаҳар, ташкилот ва ҳ.к.) ифодалаш учун эмас, балки ўзига хос бир маданий белги, тимсол, муайян сифат, воқеалар, тақдирлар сифатида қўлланилади (2, 102)

Бундай исмларга атоқли отлар — шахсларнинг исмлари (инглиз тилида: Arhtur, Victoria, Shakespeare, Washington, George Bush, Steve Jobs, Bill Gates; ўзбек тилида: Муҳаммад алайҳиссалом, Навоий, Бобур, Амир Темур, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Қодирий, Ислон Каримов), шаҳар номлари (ўзбек тилида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон; инглиз тилида London, Manchester, Liverpool, New York, Chikago), географик номлар (ўзбек тилида, Помир, Сирдарё, Амударё, Узоқ Шарк, Тинч океани, Хуросон, Туркистон; инглиз тилида: The Alps, The Pacific Ocean, America, the North Pole, The Mediterrian), турли ташкилотлар (ўзбек тилида: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Касаба уюшмаси, Тадбиркорлар палатаси; инглиз тилида: The United Nations Organization, NATO,) номлари.

Прецедент вазият (Прецедентная ситуация) — муайян коннотациялар билан боғлиқ, дифференциал белгилари когнитив базага кирадиган қандайдир бир “эталон”, “мукамал” вазият. Прецедент вазият сифатида прецедент айтим ёки прецедент ном ишлатилиши мумкин, шунингдек, прецедент бўлмаган феномен ҳам бўлиши мумкин (9, 47).

Масалан:... Ҳасанбой жаҳонда тенгсиз боксчи эканлигини Бразилия ареналарида исботлаб берди. Янада қувонарлиси, “Олимпиадада энг яхши боксчи”, — дея эътироф этилиб, “Вел Баркер” кубоги билан АІВА томонидан тақдирланганлиги бетакрор тухфа бўлди (Андижон ёшлари газетаси 2016. 20.10.).

Хулоса. Демак, барча прецедент феноменлар тез-тез тил шахсияти дискурсида фойдаланилиши мумкин. Шу билан бирга, прецедент ном ва прецедент айтимлар вербал феноменлар сирасига, прецедент матн ва прецедент вазият эса, вербаллаштирилувчи феноменлар сирасига кириб, мурожаат мос келувчи, белгилари бўлиб хизмат қилувчи, прецедент ном ва прецедент фикр, мулоҳаза, ифодалар орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўронов Ж., Бўтаев Ш., Ирискулов М., Раҳмонбердиев К. English-Uzbek Dictionary. — Т., 2001. — 466 б.
2. Гудков Д.Б. Прецедентное имя и проблемы прецедентности. — М.: МГУ, 1999. — 152 с. — URL: <https://urss.ru/cgi-bin/db.pl?lang=ru&blang=ru&page=Book&id=258079>
3. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. — М.: Гнозис, 2003. — 288 с. — URL: <https://www.twirpx.com/file/563811/>

4. Земская Е.А. Клише новояза и цитация в языке постсоветского общества. // Вопросы языкознания. — 1996. — № 3. — С. 23–31. — URL: http://issuesinlinguistics.ru/pubfiles/1996-3_zemskaja_23-31.pdf
5. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. — М., 1987. — 216 с. — URL: <https://www.twirpx.com/file/2015673/>
6. Касьянова К. О русском национальном характере. — М., 1994. — 123 с.
7. Костомаров В.Г. Как тексты становятся прецедентными. // Костомаров В.Г., Бурвикова Н.Д. \ \ Русский язык за рубежом. — 1994. — № 1. — С. 73–76.
8. Красных В.В. Свой среди чужих: миф или реальность? — М.: Гнозис, 2003. — 169 с. — URL: <https://www.twirpx.com/file/231832/>
9. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. — М.: МГУ, 2002. — URL: <https://www.twirpx.com/file/213813/>
10. Русча-ўзбекчалуғат. II том. — Т., 1984. — 195 б.
11. Сатимов F. English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms. — Т., 1999. — 208 p.
12. Саттаров Т.К., Имомов И.А. English-Russian-Uzbek Comprehensive Law Dictionary. — Т., 2014. — 552 p.
13. Слышкин Г.Г. От текста символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. — М.: Academia, 2000. — 128 с.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ф ҳарфи. — Т., 2006. — 339 б.
15. Cambridge Advanced Learner's Dictionary. Электронлуғат. — URL: <https://dictionary.cambridge.org/>
16. Macmillan English Dictionary for advanced learners. — London, 2006. — 1106 p.
17. Merriam-Webster Dictionary. Мобил қурилмалар учун варианты. — URL: <http://www.apache.org/licenses/LICENSES-2.0>
18. Oxford Dictionary of Current English. Oxford university press. 2006. — 706 p.
19. The Merriam-Webster Dictionary. 15th printing Quead Graphics Fairfield, PA. 2018. — 388 p.
20. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/tafakkur-gulshani/hayot-mohiyati-haqida/>

References

1. Buronov Zh., Butaev Sh., Iriskulov M., Rahmonberdiev K. *English-Uzbek Dictionary*, Tashkent, 2001, 466 p.
2. Gudkov D.B., *Pretsedentnoe imya i problemy pretsedentnosti* (Case Name and Case Problems), Moscow: Moscow State University, 1999, 152 p. <https://urss.ru/cgi-bin/db.pl?lang=ru&blang=ru&page=Book&id=258079>
3. Gudkov D.B., *Teoriya i praktika mezhkulturnoi kommunikatsii* (Theory and Practice of Intercultural Communication), Moscow: Gnozis, 2003, 288 p. Available at: <https://www.twirpx.com/file/563811/>
4. Zemskaya E.A., *Voprosy yazykoznaniya*, 1996. No. 3. pp. 23–31. Available at: http://issuesinlinguistics.ru/pubfiles/1996-3_zemskaja_23-31.pdf
5. Karaulov Yu.N., *Russkii yazyk i yazykovaya lichnost'* (Russian Language and Language Personality), Moscow, 1987, 216 p.
6. Kas'yanova K., *O russkom natsional'nom kharaktere* (About the Russian National Character), Moscow, 1994, 123 p.
7. Kostomarov V.G., *Russkii yazyk za rubezhem*, 1994, No. 1, pp. 73–76.
8. Krasnykh V.V., *Svoi sredi chuzhykh: mif ili real'nost'*? (Your Own Among Strangers: Myth or Reality?), Moscow: Gnozis, 2003, 169 p., available at: <https://www.twirpx.com/file/231832/>
9. Krasnykh V.V., *Etnopsikholingvistika I lingvokulturologiya* (Ethnopsycholinguistics and Cultural Linguistics), Moscow: Moscow State University, 2002. Available at: <https://www.twirpx.com/file/213813/>
10. *Ruscha-uzbekcha lugat II tom* (Russian-Uzbek Dictionary, Vol. II), Tashkent, 1984, 195 p.
11. Satimov G., *English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms*, Tashkent, 1999, 208 p.

12. Sattarov T.K., Imomov I.A., *English-Russian-Uzbek Comprehensive Law Dictionary*, Tashkent, 2014, 552 p.
13. Slyshkin G.G., *Ot teksta k simvolu: lingvokul'turnye kontsepty pretsedentnykh tekstov v soznanii i diskurse* (From Text to Symbol: Linguistic and Cultural Concepts of Precedent Texts in Consciousness and Discourse), Moscow: Academia, 2000, 128 p.
14. Uzbek tilining izohli lugati. (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language), Tashkent, 2006, 339 p.
15. Cambridge Advanced Learner's Dictionary. Elektron lugat, available at: <https://dictionary.cambridge.org/n>
16. Macmillan English Dictionary for advanced learners, London, 2006, 1106 p.
17. Merriam-Webster Dictionary, available at: <http://www.apache.org/licenses/LICENSES-2.0>
18. Oxford Dictionary of Current English. Oxford university press, 2006, 706 p.
19. The Merriam-Webster Dictionary. 15th printing Quead Graphics Fairfield, PA, 2018, 388 p.
20. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/tafakkur-gulshani/hayot-mohiyati-haqida/>